

## ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА НАТРИЯ ХЛОРИД

**Препаратнинг савдо номи:** Натрия хлорид

**Таъсир этувчи модда (ХИН):** йўқ

**Дори шакли:** инфузия учун эритма 0,9%

**Таркиби:**

1 л препарат куйидагиларни сақлайди:

*фаол модда:* натрий хлориди 9,0 г

*ёрдамчи модда:* инъекция учун сув

**Таърифи:** рангсиз, тиник эритма

**Фармакотерапевтик гуруҳи:** тузли эритма

**АТХ коди:** B05CB01

### Фармакологик хусусиятлари

#### *Фармакодинамикаси*

Плазма ўрнини босувчи восита. Дезинтоксикацион ва регидратация килувчи таъсир кўрсатади. Натрий ва хлор ионлари қон плазмасида ва хужайрадан ташқари суяқликда тегишли осмотик босимни тутиб туради. Препарат қон-томир ичида қон хажми камайганда унинг ўрнини тўлдиради, моддалар алмашинуви жараёнларини рағбатлантиради, жигарнинг антитоксик функциясини яхшилади.

#### *Фармакокинетикаси*

Натрий хлоридининг 0,9% эритмаси вена ичига юборилганда қон томир хавзасидан интерстициал секторга ва хужайра ичига тез ўтади. Бир соатдан кейин юборилган эритманинг ярмигина қон-томир ичида қолади. Ўзгармаган кўринишда буйраклар орқали чиқарилади.

### Қўлланилиши

- ташувчи ёки эритувчи сифатида кукунлар, лиофилизатлар ва концентратлардан стерил инфузион (инъекцион) эритмаларни тайёрлаш;
- тери остига, мушак ичига, вена ичига ва ректал юбориш учун стерил эритмаларни тайёрлаш;
- яралар, кўзлар, бурун шиллик каватини ювиш ва боғлов материалларини намлаш (сиртга қўллаш учун);
- организм сувсизланиши ва интоксикацияси;
- гипохлоремик алкалозда қўлланади.

### Қўллаш усули ва дозалари

Вена ичига томчилаб, тери остига, ректал ва сиртга қўллаш учун буюрилади.

Тана вазни тахминан 70 кг бўлган пациентларда вена ичига томчили инфузияда ўртача суткалик дозаси минутига 180 мл (тахминан соатига 550 мл) юбориш тезлиги билан 1000 мл ни ташкил қилади.

Организмни аҳамиятли сувсизланишида ва интоксикацияларда (токсик диспепсия, вабо) суткада 3000 мл гача юбориш мумкин.

Натрий хлоридининг изотоник эритмасини юқори дозаларда узоқ вақт юбориш лаборатор текширувлар назорати остида олиб борилади.

Болаларда шок дегидратациясида (лаборатор кўрсаткичларни аниқламасдан) 20-30 мл/кг юборилади. Кейинчалик дозалаш тартиби лаборатор кўрсаткичларга қараб мувофиқлаштирилади.

Тери остига юборилганда препаратнинг хажми 5 мл ва ундан кўпроқни ташкил қилади.

### **Ножўя таъсирлари**

- хлорид ацидози,
- гипергидратация,
- гипокалиемиа,
- қон айланишини оғир бузилишлари,
- бош оғриғи, бош айланиши, безовталиқ, холсизлик,
- тахикардия, артериал гипертензия,
- буйрак функциясини бузилиши,
- шишлар.

### **Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

- буйракнинг ажратиш функциясини бузилиши,
- гипернатриемиа,
- юқори дозаларда кортикостероидлар билан ёндош даволаш,
- бош мия ва ўпка шиши билан хавф солувчи циркулятор бузилишлар,
- ўпка шиши,
- бош мия шиши
- юрак чап қоринчаси ўткир етишмовчилиги,
- тромбозларда қўллаш мумкин эмас.

### **Дориларнинг ўзаро таъсири**

Бошқа медикаментлар: инфузион эритмалар, инфузия тайёрлаш учун концентратлар, инъекцион эритмалар, кукунлар, инъекция тайёрлаш учун қруқ моддалар билан аралаштирилганда мутаносиблик юзасидан визуал назорат ўтказиш лозим (кимёвий ёки терапевтик номутаносиблик кузатилиши мумкин).

### **Махсус кўрсатмалар**

Инъекция учун натрий хлоридининг 0,9% ли (изотоник) эритмаси фақат эритувчи сифатида қўлланиши мумкин. Унда осмотик таъсирга эга моддаларнинг йўқлиги туфайли, уни мустақил юборганда гемолиз хавфи юзага келиши мумкин.

Эритма стерил ва апироген бўлиши керак.

Агар эритма тиниқ бўлмаганда ёки ўрам шикастланган бўлса, инфузияни ўтказиш тақиқланади.

#### *Педиатрия амалиётида қўлланиши*

Препаратни болаларда қўллаш юзасидан чекловлар йўқ. Эмизикли болаларни даволаганда фақат сув мувозанатини мувофиқлаштириш учун қўлланади.

#### *Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланиши*

Препаратни ҳомиладорлик ва лактация даврида қўллаш юзасидан чекловлар йўқ. Аммо, препаратни ҳомиладорлик ва лактация даврида қўллаш юзасидан маълумотлар чекланган. Препаратни қўллашдан олдин ҳар алоҳида пациент учун фойда ва хавф нисбатини синчковлик билан баҳолаш керак.

#### *Автомобилни ва мураккаб механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири*

Автотранспортни бошқариш ва диққатни юқори жамлашни талаб этувчи потенциал хавфли фаолият турлари билан шуғулланишга таъсир кўрсатмайди.

### **Дозани ошириб юборилиши**

*Симптомлари:* шишлар, кўп терлаш, мушак кучсизлиги, брадикардия ёки тахикардия.

*Даволаш:* препаратни бекор қилиш, симптоматик даволаш. Гипергидратацияда осмотик диуретиклар билан даволаш ўтказилади. Оғир даражадаги юрак етишмовчилигида шишни диализ ёрдамида бартараф этиш мумкин.

#### **Чиқарилиш шакли**

100, 200, 250, 400, 500 мл дан препарат резина тиқинли полипропилен қопқоқ билан беркитилган ва флаконга кавшарланган очиш учун ҳалқа билан таъминланган тутқич-халқали полипропилен флаконларда.

30, 40, 100 ёки 120 флаконлар, флаконларнинг сонига мувофиқ микдорда давлат ва рус тилларидаги тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан гуруҳ қутисига жойланади.

#### **Сақлаш шароити**

Ёруғликдан химояланган жойда, 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.  
Болалар ололмайдиган жойда сақлансин!

#### **Яроқлилиқ муддати**

3 йил.

Яроқлилиқ муддати ўтгач препарат ишлатилмасин.

#### **Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецепт бўйича.

#### **Ишлаб чиқарувчи корхонанинг номи ва мамлакати**

«Kelun-Kazpharm» (Келун-Казфарм) МЧЖ, Қозоғистон

#### **Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси эгасининг номи ва мамлакати**

«Kelun-Kazpharm» (Келун-Казфарм) МЧЖ, Қозоғистон

#### **Қадоқловчи ташкилотнинг номи ва манзили**

«Kelun-Kazpharm» (Келун-Казфарм) МЧЖ, Қозоғистон

#### **Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили:**

“FAGUSAL” МЧЖ

100005, Тошкент ш., Миробод тумани, Иноқобод берк кўча №1, 7 “А” уй  
Тел.: + 99871 291 11 98; + 99871 283 30 71.